



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
 ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ФАЙЗИЕВ Олим

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
 ҲАМДА МАСЪУЛ ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ – АЙРИМ ТИЗИМЛИ
 МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА 7

2. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ
 ИШТИРОКИ..... 13

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
 МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

3. ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
 КАФОЛАТЛАРИ 18

4. САБИРОВ Эркин Кучкарбаевич

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОММАВИЙ
 АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ 29

5. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
 МАСАЛАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ
 ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 38

6. НОДИРОВ Давурхон Икромович

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОНУН
 УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....44

7. ХАТАМОВ Жамшид Алтибаевич

ФОРМЫ И МЕТОДЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ТАМОЖЕННОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ..... 50

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.
 ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

8. ОКЮЛОВ Омонбой

СУД ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АДОЛАТ, ИНСОФЛИЛИК, ОҚИЛОНАЛИК
 ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ 55

9. РАҲМАТОВ Анвар Исломович

СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ
 ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ 65

9. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич, АЧИЛОВА Лилия Илхомовна

ТЕНДЕНЦИИ И РАЗВИТИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ
 ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 71

10. ҒАЙБУЛЛАЕВ Сохибжон

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ТАЪМИНЛОВЧИ БИТИМЛАР 76

11. РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

ТОВАР НЕУСТОЙКАСИ: ЦИВИЛИСТИК ТАФАККУР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ 83

12. АБДУҒАНИЕВ Хуршиджон Турғун ўғли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА
 ҚОНУНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 89

13. KHUSAINOVA Rano

LEGAL ASPECTS OF LIBERALIZATION OF THE ELECTRICITY SECTOR
 OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN 95

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

- 14. АБДУРАХМОНОВА Хосиятхон Бахтиёржон қизи**
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА КОЛЛИЗИОН МУАММОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ РОЛИ.... 103
- 15. ОДИЛҚОРИЕВ Хожимурод Тухтамурадович, ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна**
МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШГА ОИД МУҲИМ ҚАДАМ:
ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА 109

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

- 16. РАХИМОВ Мирёқуб Актамович**
COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ..... 117

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 17. КАРИМОВ Ваҳобжон**
“ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ” ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ
ЮРИСТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ 123
- 18. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ 130
- 19. ЭРНАЗАРОВ Улуғмурод Турдиевич**
СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 135

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

- 20. ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна**
РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ..... 139
- 21. ИШАНХАНОВА Гулнора Амановна**
ЗАЩИТА ПРАВ РЕБЕНКА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ
И НАЦИОНАЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ 144
- 22. ИСОҚОВ Лукмонжон Холбоевич**
МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ 153
- 23. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР
СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ..... 161

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- 24. ТУРДИЕВ Бобир Собирович**
“ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ”НИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНГА ҚАРШИ
САМАРАЛИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ 167
- 25. ЭРАЛИЕВ Аъзам Бахтиёр ўғли**
АНГЛО-САКСОН ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА МАНСУБ ДАВЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 174

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна

Тошкент давлат юридик университети
Ихтисослаштирилган филиали доценти,
юридик фанлар номзоди
E-mail: gulnoraxudoyberdiyeva@mail.ru

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ХУДАЙБЕРДИЕВА Г.А. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 161–166.



4 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-4-24>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид халқаро-ҳуқуқий манбаларнинг яратилиши, халқаро универсал ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти таҳлил қилинган, халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг миллий қонунчилик билан нисбати, халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилиши жараёнлари, ушбу соҳада таниқли олимларнинг ҳуқуқий қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ тизими, хусусий-ҳуқуқий муносабатлар, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, ҳуқуқ ижодкорлиги, халқаро-ҳуқуқий манба, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги.

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна

Доцент Специализированного филиала
Ташкентского государственного юридического университета
кандидат юридических наук
E-mail: gulnoraxudoyberdiyeva@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ЗАКОНОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ОБЛАСТИ АВТОРСКОГО ПРАВА И СМЕЖНЫХ ПРАВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются международно-правовые источники по авторскому праву и смежным правам, деятельность международных организаций в области авторского права и смежных прав, соотношение международного права с национальным законодательством, процесс разработки международно-правовых норм, анализируются взгляды видных ученых в этой области.

Ключевые слова: правовая система, частнопроводные отношения, авторское право и смежные права, норма творчество, международно-правовой источник, норма творчество международных организаций.

KHUDAIBERDIEVA Gulnora

Associate professor of the Specialized Branch
Tashkent State Law University, Candidate of legal sciences

E-mail: gulnoraxudoyberdiyeva@mail.ru

SOME ASPECTS OF LEGISLATIVE ACTIVITIES OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS IN THE FIELD OF COPYRIGHT AND RELATED RIGHTS

ANNOTATION

The article analyzes the creation of international legal sources on copyright and related rights, the activities of international organizations in the field of copyright and related rights, the relationship of international law with national legislation, the process of creating international legal norms, analyzes the legal views of prominent scientists in this area.

Keywords: legal system, private legal relations, copyright and related rights, creativity norm, international legal source, creativity norm of international organizations.

Ҳар қандай давлатда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунчилик яратилиши билан миллий ҳуқуқ тизими ҳам мустақамлана боради. Олимлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимоясининг қонунчиликда 3 тури: рим ҳуқуқи, англосаксон ва социалистик тизим қонунчилиги мавжуд эди, деб фикр билдиришади.

Англо-саксон (англо-америка) тизимига кўра муаллиф деб жисмоний ва юридик шахслар тан олинади. Континентал (европача) тизимга биноан (Франция, ГФР, Россия, Украина и бошқа давлатлар) муаллиф деб фақат жисмоний шахслар тан олинади ва уларга шахсий номулкий ҳамда шахсий ҳуқуқлар тегишли бўлади. МДХ давлатлари ва Ўзбекистон қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқи қоидалари ҳуқуқнинг континентал тизимига кўра мустақамланган.

Асосан шўролар даври қонунчилигини таҳлил этган олимлардан М.В.Гордон, Е.А.Флейшиц, Н.А.Райгородский, А.М.Гарибян, О.С.Иоффе, М.М.Богуславский, Э.П.Гаврилов ва бошқалар социалистик тизим жаҳонда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя тизимини яратишда туб бурилиши ясади, шунга кўра бир қатор халқаро конвенциялар социалистик тузум принципларидан келиб чиқиб қабул қилинган, дейишади [1], [2], [3].

Бу олимларнинг қарашларига қўшилиб бўлмайди, чунки, социалистик тузум шароитида қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқи оид қонунчиликда муаллиф эмас, биринчи ўринда унинг асарлари ҳимоя қилинган, қонунларда эса ижрочилар ва уларга тенглаштирилган субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими мавжуд эмас эди.

В.В.Белов, Г.В.Виталиев, Г.М.Денисовларнинг фикрига кўра “асосий мақсад давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, ижодий фаолият натижаларини эса яратишда “ижтимоий фойдалиги” асосий крестерий эди” [4, Б.132]. Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқининг икки: англо-саксон (англо-америка) ва роман-герман (континентал) тизими мавжуд.

Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Бир мамлакат ҳудудида яратилган ҳар қандай асар ёки ижродан бошқа мамлакатда эркин фойдаланиш ёки бир мамлакат фуқароси вақтинча бошқа мамлакат ҳудудида бўлиб турганида асар яратиши ёки ижро этиши, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг халқаро миқёсда ҳимоя қилинишини англатади. Шунинг учун ҳам муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қатор конвенция ва шартномалар ҳаракатда бўлган вақтда уларнинг аъзоси бўлган барча давлатларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бир хилда, яъни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳамда белгиланган муддатларда ҳимоя қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар халқаро-ҳуқуқий масалалар билан шуғулланиб

келаётган қатор ташкилотлар - Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), ЮНЕСКО, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва бошқа халқаро универсал ташкилотларнинг фаолияти, улар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг амалда қўлланиши, давлатларнинг бу ташкилотларга аъзо бўлиб кириши, мазкур ташкилотларни бошқаришда иштирок этиши каби қатор масалалар халқаро ҳуқуққа, жумладан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга ҳам дахлдор. Халқаро ҳуқуқ кишилик цивилизациясининг ютуғи, умуминсоний қадрият ва ҳозирги замон жаҳон тартиботининг ҳуқуқий асоси ҳисобланса [5, Б.3], муаллифлик ҳуқуқи халқаро доирада фан, адабиёт ва санъат асарларининг эркин айирбошланиши, уларнинг халқаро ҳуқуқ нормалар орқали ҳимояга олингани билан фарқланади [6, Б.222].

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар халқаро доирада ҳимоя қилинар экан, албатта, халқаро универсал ташкилотларнинг назарида бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар халқаро ҳимоя қилинаётганда асосий иштирокчи субъект-давлат ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ аксарият ҳолатларда давлат ичида юзага келувчи муносабатларга давлатнинг миллий ҳуқуқлари орқали муайян таъсир кўрсатса-да, бу муносабатларни бошқармайди [7, Б.8].

Р.Т.Ҳакимовнинг фикрига кўра “давлат халқаро муносабатларда қатнашар экан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг асосий истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади, чунки халқаро ташаббус субъектлари иродасини келиштириш орқали халқаро-ҳуқуқий нормалар яратиш жараёнидан иборатдир” [8, Б.37]. Р.Ҳакимовнинг фикрига тўлиқ қўшилиб айтиш мумкинки, давлат халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг яратувчи субъекти ҳисобланади ва айтиш вақтда халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлган халқаро универсал ташкилотларнинг ҳам аъзоси бўлиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон ЮНЕСКО, БИМТ каби халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзосидир.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазаси билан шуғуланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг соҳага оид ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини кенгрок тушуниш учун, аввало, миллий ҳуқуқ ижодкорлигини англаб олиш лозим. Ҳуқуқ ижод этиш давлатнинг юридик нормалар яратишга қаратилган махсус фаолиятидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги нисбатан кенгрок жараён бўлмиш ҳуқуқ яратишнинг таркибий қисми ҳисобланади [9, Б.238].

Халқаро-ҳуқуқий нормалар халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг бош вазифаси бўлмай, балки у узоқ давом этган субъектлараро муносабатларни ёки халқаро-ҳуқуқий ходиса ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш заруриятидан келиб чиқиб яратилади. Бу халқаро ташкилотнинг “ҳуқуқ яратиш” фаолияти бўлиб, у юридик нормани шакллантириш ва расмийлаштиришга қаратилган жараёндир. Ҳуқуқ яратишнинг сўнгги босқичи ҳуқуқ ижодкорлигини ташкил этади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги-ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг (референдум чоғида бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолиятидир. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра давлат иродасини ифодалаш билан боғлиқ. Халқаро ташкилотлар фаолиятида эса, ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти юзага келган халқаро муносабатларни тизимлаштириш жараёни бўлиб, бир давлат иродасини ифодалаш бўлмай, балки ҳамжихатлик принципини жорий этиш демакдир.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти бир қараганда давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига ўхшаб кетади. Давлатнинг халқаро ҳуқуқ яратиш фаолиятидаги ташаббуси ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини таклиф қилиш, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил адо этиш, халқаро вазиятдаги ўзгаришларга қарашнинг янги ижодий варианты ва ҳоказолар шаклида амалга оширилиши мумкин [8, Б.192]. Р.Ҳакимов халқаро ҳуқуқнинг манбаси сифатида халқаро шартномаларни сиёсий шартномалар, ҳуқуқий масалалар бўйича битимлар, иқтисодий масалалар бўйича битимлар, дўстлик, маданият ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар, алоқа масалалари бўйича битимлар, транспорт масалалари бўйича битимлар, антикриминал масалалар ва биргаликда ҳаракат қилиш бўйича битимлар, уруш қонунлари ва одатларига оид масалалар бўйича битимлар гуруҳига ажратади [8, Б.50].

Давлат халқаро оммавий ҳуқуқнинг субъекти сифатида бошқа субъектларга нисбатан катта ваколатларга эга бўлса-да, лекин давлат халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъекти сифатида мулкий муносабатларга ҳам киришиши мумкин [10, Б.25]. Халқаро ташкилотлар ҳам худди давлатлар каби ҳуқуқ тизими меъёрларини яратиш ва бошқа муносабатларда иштирок этади.

Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига ўзига хос хусусиятларга эга. Халқаро ташкилотлар халқаро-ҳуқуқий нормалар

яратишни мақсад қилиб қўйган экан, келгусида бу нормаларнинг амалда таъминланиши учун ҳам масъул ҳисобланади. Яратилган халқаро-ҳуқуқий нормалар халқаро ҳуқуқнинг манбасига айланар экан, у аввало, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари томонидан бажарилиши мажбурийдир. Миллий қонунчиликда одоб-ахлоқ, миллийлик ёки хусусийликка асосланган қоидалар ўз аксини топса, халқаро-ҳуқуқий нормаларда умумэтироф этилган принципларга кўра умумтавсиявий, кенг ҳудудлик, тенглик, иштирокчилик, хоҳишийлик ва бошқа бир қатор унсурлар жамланади. Бинобарин, халқаро ҳуқуққа нисбатан “қонунчилик”, “халқаро қонунийлик” тушунчаларини қўллаш маълум маънода нотўғри [5, Б.20].

Халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратишда халқаро ташкилотлар аввало, ҳамжиҳатлик принципига таянади. Бунда халқаро ташкилотнинг аъзо-давлатлари барча-хоҳиш истақлари инобатга олинади. Халқаро актлар қабул қилиниши билан ҳам миллий қонунчиликдан фарқланади. Миллий қонунчилик бевосита халқ вакиллари (депутатлар) томонидан қабул қилинса, халқаро актлар давлатлар вакил қилиб юборган шахс (ваколатли шахс)лар иштирокида қабул қилинади.

Миллий қонунчилик тўғридан-тўғри кучга киритилса, халқаро актлар эса давлатларнинг навбатма-навбат ва номуайян муддатларда аъзо бўлиб кириши билан ҳам фарқланади. Миллий қонунлар ҳамма субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлса, халқаро актларга давлатларнинг аъзолиги даврида Илова (оговорка)лар қилиниши мумкин. Аъзо-давлатлар ўзи қўшилган халқаро актдан истаган пайтда эркин чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эга. Бундан ташқари халқаро ташкилотлар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланаётган пайтда миллий қонунларга таянмайди.

Т.Н.Нешатаева халқаро ташкилотлар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида уч кўринишдаги қуйидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратади, деб кўрсатади:

- а) оммавий характердаги халқаро нормалар;
- б) хусусий характердаги халқаро нормалар;
- в) халқаро маъмурий қоидалар [11, Б.55].

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқ ижодкорлиги ўз мазмунига кўра икки тоифа ҳаракатни:

биринчидан, ҳуқуқ ижод қилиш органларининг норматив акт лойиҳасини тайёрлаш бўйича ҳаракатлари;

иккинчидан, норматив актни чиқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширишни қамрайди [9, Б.239-40].

Бундай туркумланишга асосланиб айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги миллий ҳуқуқ ижодкорлигидан кўра кўпроқ ҳаракат ва жараёнларни қамраб олади. Бу жараёнлар дунёнинг турли ҳудудларида ва турли вақтларда амалга оширилиши, кенг қамровлиги ва нормаларнинг қабул қилиниши хусусиятлари ҳамда амалга киритилиши билан фарқ қилади.

Маълумки, халқаро ташкилотлар ўзининг кундалик фаолиятига доир ва ўзи субъект сифатида халқаро муносабатларга киришадиган характердаги актларни қабул қилади. У ўз вазифасини икки жиҳатдан амалга оширади:

биринчидан, ҳар бир ташкилот бевосита ўзининг тузуми ва фаолиятининг асосий йўналишига тааллуқли ҳужжатлар туркумини эълон қилади;

иккинчидан, ташкилот махсус ҳужжатлар, маърузалар, маълумотлар, ўзи шуғулланадиган масалалар бўйича қисқача баёнлар эълон қилади.

Норматив вазифани икки маънода: халқаро ташкилотнинг ҳуқуқ нормаларини яратишда бевосита иштироки ва халқаро ташкилотнинг давлатларнинг норматив жараёнида иштироки сифатида тушуниш мумкин [9, Б.121]. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида халқаро шартномалар қабул қилинар экан, уларни тадбиқ этиш ўзига хос амалга оширилади. Аъзо-давлатлар шартномада қатнашишни расмийлаштириш босқичларига қараб шундай фарқланади: музокаларнинг қатнашчилари-халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома матнини тузиш ва қабул қилишда қатнашадилар. Битишувчи томонлар халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома кучга кирдими-йўқми, бундан қатъий назар шартномани узил-кесил қабул қилдилар; шартнома қатнашчилари-халқаро ҳуқуқ субъектлари шартномани узил-кесил қабул қилиб, улар учун у кучга киради [7, Б.64-65].

Шартномалар турли босқичдан иборат жараёнда тузилиши мумкин. Бу халқаро ташкилот томонидан ўртага ташланган мавзу ва келишувнинг кечишига қараб аниқланади. Масалан, БИМТнинг шартномаларини яратиш ўн йилга чўзилган ва қабул қилиш жараёни икки йилни

ташқил этди. ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқига оид айрим халқаро актларини қабул қилиш жараёни ўн йилдан бери давом этиб келмоқда. ЖСТнинг шартномалари ҳар хил минтақаларда ва турли муддатларда яратилган.

А.Мўминов томонидан ЮНЕСКОнинг норма ижодкорлик фаолияти ва унинг актларининг ҳуқуқий табиати таҳлил этилган ҳамда актлари юқорида баён этилган тамойилларга кўра туркумланган [12]Унинг фикрларига кўшилган ҳолда айтиш мумкинки, муаллифлик ҳуқуқига оид актлар ўз мақомига эга бўлишида унинг яратилиши билан боғлиқ қарашлар муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган актлар, шартномалар турлича кўринишларда амалга киритилиши мумкин. Маълумки, шартномалар: ратификация қилиш, қўшилиш, иловага эришиш жараёнлари орқали давлатларда кучга кириши мумкин.

А.Маматқуловнинг фикрича, ратификация-шартноманинг давлат олий органларидан бири томонидан тасдиқланиш акти бўлиб, бу шартноманинг мажбурийлигига розиликни билдиради. Қўшилиш-бошқа давлатлар тузган шартнома мажбурийлигига розилик актидан Илова (оговорка)-бир томонлама баёнот бўлиб, унинг воситасида давлат шартноманинг муайян қоидалари ҳаракатини ўзига нисбатан бекор қилиш ёки ўзгартиришни кўзда тутди [7, 69-70]. Масалан, Ўзбекистон 2005 йил 19 январда “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш ҳақидаги Берн конвенцияси”га қўшилди ва конвенциянинг 18-моддасига Илова (оговорка) таклиф қилди. Айтиш керакки, ушбу Илова халқаро ҳуқуқ талабларига унчалик мос равишда киритилмаган эди. Яъни, Иловада “Ўзбекистонда конвенция қоидалари кучга кирган пайтгача амалда бўлган асарлар ижтимоий бойликка айланган деб ҳисобланади ва улар конвенция қоидалари амалга киритилгандан кейин муҳофаза қилинмайди”, деб имтиёз олишга ҳаракат қилинган. Худди шундай ҳолат 1993 йилда Россия Федерациясининг Берн конвенциясига аъзо бўлиб қўлишида ҳам кузатилган эди.

Берн конвенциясига қилинган иловада кўрсатилган, яъни мамлакатимизнинг олган имтиёзини амалда қўллаш имконияти бўлмаса-да, у маълум вақт амалда бўлди. 2013 йил 5 сентябрь куни Илова (оговорка) қонун билан бекор қилинди. Халқаро амалиёт ва тажрибага кўра республикамиз имзолайдиган икки томонлама давлатларо муносабатлардаги актларда тўғриланиши ёки алоҳида изоҳланишининг ўзи кифоя бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид халқаро-ҳуқуқий актларни яратиш ва унинг мониторингида қатнашиб келаётган халқаро ташкилотлар асосан соҳага оид халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишда иштирок этадилар. Улар томонидан қабул қилинган ёки маъмурий вазифаси бошқарилаётган халқаро актлар халқаро ҳуқуқнинг манбаси бўлиб ҳисобланади.

Бу актлар амалда қўлланган вақтда хусусий-ҳуқуқий кўринишни касб этса-да, пировард натижада улар билан боғлиқ халқаро муносабатлар халқаро оммавий ҳуқуқ нуқтаи-назаридан ҳал этилади. Келгусида халқаро актларга аъзоликка кириш вақтида ушбу тамойилга эътибор қаратиш фойдали ҳисобланади. Республикамиз томонидан келгусида қўшилаётган бошқа халқаро актларга нисбатан Илова (оговорка) берилаётганида халқаро актларнинг мазмуни ва қўлланиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гордон М.В. Советское авторское право. - М.: Юридическая литература, 1955 (Gordon M.V. Soviet copyright. - M.:Legal literature, 1955)
2. Флейшиц Е.А. Авторское право. - М.:Юридическая литература, 1956 (Fleishits E.A. Copyright. - M.:Legal literature, 1956)
3. Райгородский Н.А. Авторское право на кинематографическое произведение. Л.:ЛГУ, 1958 (Raigorodsky N.A. Copyright for a cinematic work. -L:Leningrad State University, 1958)
4. Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. -М.: Юристъ, 2002. (Belov V.V., Vitaliev G.V., Denisov G.M. Intellectual property. Legislation and practice of its application. -M.: Yurist, 2002)
5. Саидов А. Халқаро ҳуқуқ: моҳияти ва аҳамияти. -Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2000 (Saidov A. International law: essence and significance. -T.:National Center for Human Rights of the Republic of Uzbekistan, 2000)

6. Международное частное право. –М.: Юридическая литература, 1984 (International private law. – М.:Legal literature, 1984)
7. Маматкулов А. Халқаро ҳуқуқ. -Т.: Адолат, 1997 (Mamatkulov A. International law. -Т.: Adolat, 1997)
8. Ҳақимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. (Hakimov R. Uzbekistan and the United Nations. -Т.:Gafur Gulom Publishing House of Literature and Art, 2001)
9. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. -Т.: Адолат, 2000 (Theory of state and law. Textbook. -Т.:Adolat, 2000)
10. Бобоев Х., Додобаев К., Коннова Т. Международное торговое право. -Т.:Янги аср авлоди, 2001. (Boboev H., Dodobaev K., Konnova T. International trade law. -Т.:New Century Generation, 2001.
11. Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. -М.: Дело, 1998 (Neshataeva T.N. International organizations and law. -М.:Delo, 1998)
12. Мўминов А.Р. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий масалалари. Юрид.фан.номзод... диссертацияси.-Т.: ЖИДУ, 2005 (Muminov A.R. International legal issues of cooperation of the Republic of Uzbekistan with UNESCO. Candidate of Juridical Sciences.-Т.: UWED, 2005)